



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Хатирчи туман
Ободонлаштириш бошқармаси
Бошлиги Ж. Рахмонов
“ 14 ” *14.09.2022* 2022 йил

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Хатирчи -2022

Танлов хужжатларининг мазмуни

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

Танлов предмети: Хатирчи тумани Зарбдор МФЙ Дўрмон қишлоғи ички йўллари таъмирлаш учун лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаб бериш

1.1. Танлов охириги қиймати (30 000 000) сум . Ушбу қийматдан ортиқ қиймат қабул қилинмайди ва қуриб чиқилмайди.

1.2. Махсуслот буйича Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган. Ушбу танлов якунлари буйича ҳолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 60 календар кун.

1.4. Ишларни бошлаш муддати- аванс маблағи утказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Хатирчи туман Ободонлаштириш бошқармаси (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили:, Навоий вилояти Хатирчи тумани Парахун МФЙ

2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, қаида 5 йил тажрибага эга булган барча юридик мақомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

танлов предмети қийматининг қаида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки курсатиб утилган маблағларни беришга банк қафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги; шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва вақолатлар, танлов объектига ухшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги шу кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тугрисидаги маълумотлар; танлов объектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мулжалланаётган ҳажми (50 фоиздан қам булмаган ҳолда); Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчилиққа биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга булган талабгорларга руҳсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, қолдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бнрига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар уз таклифларини электрон қуринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар утқазиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига қура узбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим: • Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қуйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши қерак; • Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошқа боғлиқ курсаткичлар курсатилган булиши қерак. Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яҳлит қолда тикилган, номерланган, вақолатли шахс имзоси ва муҳр билан тақдиқланган қолда ёки ҳар бир варагини муҳрлаб тақдиқланган қолда тақдим этишлари лозим.

4.4. Қуйидаги ҳужжатлар тулик булиши талаб этилади: Техник ва нархлар буйича қуйидаги таклифлар: • Техник таклиф. Қирменний бланқада имзоланган, номерланган ва муҳрланган қолда; • Техник ҳужжатлар руйҳати (брошюралар, техник паспортлар ёки ухшаш ҳужжатлар руйҳати илова қилинади);

4.5. Танлов иштирокчиси: -факат битта таклиф бериши мумкин; - такдим этилаётган хужжатларнинг хакикийлиги ва маълумотларнинг хакконийлигига тулик жавобгар булади; - таклифлар бериш муддати тугагунга кадар уз таклифларини кайтариб олиш. еки узгартириш киритиш хукукига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йигилиши карори асосида амалга оширилади.

5.2. Танлов муддатини узайтириш тугрисидаги карор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИИГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тугрисидаги Конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари буйича конунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниклаш ва асосланган карор кабул килиш буйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча хужжатларни хакикийлиги ва тугрилига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига узгартишлар киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин карор кабул килишга хакли. Товарни (ишни, хизматни) узгартиришга йул куйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига узгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда курсатилган ахборот узгартирилган булса, танлов утказиш тугрисидаги эълонга узгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга хакли. Суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган булса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига дойр тушунтиришлар уларнинг мазмун- мохиятини узгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади хамда ундан олинган кучирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон килинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон килинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига дойр тушунтиришларни такдим этиш тугрисида суров юборишга хакли. Давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари буйича шартнома танлов хужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади



Хатирчи тумани Зарбдор МФЙ Дўрмон қишлоқ ички йўллари жорий таъмирлаш учун лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаб бериш

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Объект номи	Хатирчи тумани Зарбдор МФЙ Дўрмон қишлоқ ички йўллари жорий таъмирлаш учун лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаб бериш.
2	Буюртмачи	Хатирчи туман Ободоглаштириш бошқармаси
3	Объектнинг жойлашган манзили	Навоий вилояти Хатирчи тумани
4	Қатнашувчилар учун талаблар	<p>Белгиланган махсус техника ёки транспорт воситасининг ишлаб чиқарилган йили 2010-йилдан кам бўлмаслиги керак. Навоий вилоятида оғир табиий шароитда (ёмғир, қор, туман, ва х.к) узлуксиз ишлашга таёр бўлиши керак. Корхона махсус техника ёки транспорт воситаси доимий иш билан таъминлашни кафолатини олмайди. Ишлаб чиқариш заруряти туфайли корхона балансида техникалар етишмай қолганда холларда 1 сутка олдин оғохлантирилган холда иш билан таъминланади. Махсус техника ёки транспорт воситасининг объектларга келиб кетиши харажатлари махсус техника ёки транспорт воситаси эгасининг ҳисобидан қопланади. Махсус техника ёки транспорт воситаси қатнашувчининг балансида бўлиши ва барча техник ҳужжатлари қонуний бўлиши керак.</p> <p>Махсус техника ёки транспорт воситасининг экспертиза хулосаси бўлиши шарт. Бошқа талаблар шартнома шартларида кўрсатилади. Махсус техника ёки транспорт воситалари руйхати, (Самосваллар 20-30 тн), (Трайлер 10-50 тн), (Каток 8-13 тн), (Экскаватор ковш хажми 0.65 М3), (Асфальто укладчик 1.5-6.5 метр гача), (Автогрейдер) (Водовоз) (Бетумовоз) билан буюртмага асосан ўз вақтида ва сифатли хизмат кўрсатиш.</p>
5	Механизмининг техник қарови	Махсус техника ёки транспорт воситаси доимий техник қаров ишлари, капитал таъмирлаш эгаси томонидан бажарилади, техник соз ҳолатда ишга жалб қилинади.
6	Ёқилғи маҳсулотлари билан таъминлаш	Ёқилғи маҳсулотлари корхона томонидан амалга оширилган тақдирда бажарилган иш суммасидан қайтариб қолинади. Агар ёқилғи маҳсулотлари етарли бўлмаган тақдирда Махсус техника ёки транспорт воситаси эгасининг ўзида бўлиши керак.
7	Тижорат таклифларини тақдим этиш шартлари	Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома, транспорт воситасининг техник паспорти.
8	Бажарилган ишлар ҳисоб-китоби	Шартнома асосида бажарилган ишлар буйича илова қилинган Форма-2 да кўрсатилган сумма буйича тўлаб берилади.
9	Иш тури	Лойиҳа смета ҳужжатларида белгиланган вазифаларни бажариш.
10	Ишни бажариш муддати	2022 йил Ноябрьдан 2022 йил 30 Ноябрьгача.
11	Техника хавфсизлиги буйича талаблар	Иш бажариш жараёнида техника хавфсизлик қоидаларига тула риоя қилиши шарт.